



## THE SIGNIFICANCE OF ILLUSTRATIVE MATERIALS FROM ARCHIVE SOURCES IN THE RESEARCH OF COUNTRY ETHNOGRAPHY

**Madina Mardonova**

*Intern- Researcher*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Perfect human being, perfection, "Masnavi-Manavi", "unity of the world and humanity", reaching perfection, the power of logic, Hegel, Spinoza, "The existence of Allah", "The will of the Great God", mysticism, dialectical method.

**Received:** 21.02.23

**Accepted:** 23.02.23

**Published:** 25.02.23

**Abstract:** This issue provides an idea of the content of human, philosophical-religious, spiritual-educational ideas in the work of Maulana Jalaliddin Rumi "Masnaviyi-spirituality". Analytical information was given about the philosophy and wisdom of the east, developed over thousands of years, Sufi philosophy, which taught Islamic truths, opened the dialectic of human life.

## **ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ "МАСНАВИЙИ-МАЊАВИЙ" ФАЛСАФИЙ МАНБААСИНИГ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**Мадина Мардонова**

*Стажер-Тадқиқотчи*

*Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### **МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Комил инсон, комиллик," Маснавий-инсонийлик"," дунё ва инсоният бирлиги", комилликка еришиш, мантиқнинг кучи, Ҳегел, Спиноза," аллоҳнинг мавжудлиги"," Буюк Худонинг иродаси", тасаввуф, диалектик усул.

**Аннотация:** Ушбу сонда Маулана Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи-Мањавиий" асаридағи инсоний, фалсафийдний, мањавиий-маърифий ғояларнинг мазмуни ҳақида фикр юритилади. Шарқнинг минг йиллар давомида ишлаб чиқилган фалсафаси ва донолиги, Исломий ҳақиқатларни ўргатган, инсон ҳаётининг диалектикасини очган сўфийлик фалсафаси ҳақида таҳлилий маълумотлар берилди.

## РОЛЬ ФИЛОСОФСКОГО ИСТОЧНИКА ДЖАЛАЛУДДИНА РУМИ «МАСНАВИ-МАНАВИЙ» В ВОСПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА

**Мадина Мардонова**

*Исследователь*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** человеческий капитал «Маснави-Манави», "Маснави-Манави", "единство мира и человечества", достижение совершенства, сила логику, Гегель, Спиноза, "Существование Аллаха", "Воля Великого Бога", мистицизм, диалектический метод.

**Аннотация:** Этот выпуск дает представление о содержании общечеловеческих, философско-религиозных, духовно-просветительских идей в произведении Маулана Джалалиддина Руми "Маснавий-Манави". Была дана аналитическая информация о философии и мудрости Востока, развивавшихся на протяжении тысячелетий, суфийской философии, которая учила исламским истинам, открыла диалектику человеческой жизни.

### КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тубдан янгиланиш жараёни юз берди. Халқимизнинг бой илмий-фалсафий, маънавий маърифий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари қайта тикланди. Айниқса, шарқ фалсафасини теран ўрганиш асосида улуғ маданиятимиз илдизларини жонлантириш, уни замонавий — умумбашарий жабҳалар билан бойитиш вазифаси долзарб масала бўлиб қолди. Миллий ўзликни англаш, маънавий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўтмишда яшаб ўтган мутафаккир ва алломаларнинг илмий-фалсафий ва диний ахлохий қарашларидан халқ оммасини баҳраманд этиш ҳаётий заруратга айланди.

Миллий мағкурунинг фалсафий илдизларидан бири, кишиларни комиллик даражасига етказишга хизмат қиласиган таълимот — тасаввуфдир. Тасаввуф ислом дини заминида ва исломий ҳақиқатлар бағрида вужудга келган, қарийб ун икки асрдан бери яшаб келаётган таълимот бўлиб, унда инсоннинг бир қанча эзгу истаклари ва идеаллари мужассам. Тасаввуф асрлар оша кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга чорлаган ва тарбиялаган. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиб кетган. Тасаввуф фалсафаси ғояларини илгари сурган буюк мутафаккирлардан бири Мавлоно Жалолиддин Румий бўлган. "Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек бой, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йуқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган

одам улкан меросимиз ҳақида тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур”, [1] – деган Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг аждодларимиз меросини давр талабларидан келиб чиқсан холда қайта, ҳаққоний баҳолаш жараёни бошланиб кетди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи-Маънавий»и - да баркамоллик, камолга эришув йўллари ёрқин мисоллар билан баён этилган. Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий номи билан машҳур бўлган зот дунёning донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакор мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муazzам Шарқ тафаккурининг мўжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий қўринишда намоён булади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий-маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиф этадилар.

Мавлоно Жалолиддин Румий - жаҳон мумтоз адабиётининг энг буюк сиймоларидан, башарият шоири деб шуҳрат қозонган забардаст алломадир. Мана қарийб саккиз асрдирким, Мавлононинг номи тиллардан тушмайди, румиёна сатрлар эллардан элларга утиб, жаҳон кезади. Алишер Навоий ул зоти шарифни "устозлар устози" деб атаган, Абдураҳмон Жомий эса, пайғамбар эмас, аммо пайғамбарлик китоби бор дея таъкидлаган.

Жалолиддин Румийдан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ қуйчиси, буюкликтининг кўз илғамас чўқкиси деб шарафлайди. Жалолиддин Румийнинг ҳаётий фаолиятидан, ижодий ибратидан, “олам ва башариятнинг бирлиги”, борлиқнинг ранг-баранглиги-ю одамларнинг хилма- хиллиги ҳақидаги асарларидан шуларни туймоқ ва ўқмоқ мумкинки, Мавлоно бир умр комилликка эришмоқ мақсадида ўзи билан, нафс ва таъма билан жанг қилган. Румий уз асарларида одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида, нуқсонлар — нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликларни тахлил этиб, булардан қутулиш, покланиш йуллари, фазилатини баён этади. Румийнинг ҳар бир фикри — бир машъала, бир чирок, шундоққина қалбга қуйиладиган зиёдир. Улуғ мутафаккир инсон камолоти учун ўқтам бир курашчи бўлиб майдонга чиқади, инсон боласини унинг узига таниширади, ёмонликдан нафратланиш ва яхшилиқдан, илоҳийликдан фахрланишга ўргатади. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи-Маънавий” асарида ёритилган царашлар, кузатишлар ва ҳаётий тажрибалар ўқувчини руҳий ва ахлоқий камол топишига, жамиятда эса соғлом ва покиза муҳитни юзага келтиришига беқиёс ҳисса қўшади. “Румий теран нигоҳ билан дунёга назар ташлайди. У инсонни қандай бўлса шундайлигича

ўрганади. Кишининг қалб тўридаги энг нозик, энг нафис яширин сирларини ошкор қилади. Румий инсоннинг нафси, ҳирси сабабли келиб чиқадиган ёвузликларни таҳлил қилади, улардан кутулиш, покланиш йулларини баён этади. У одамлар бир-биридан бойлиги, ирки, дини, насли-насаби билан эмас, балки комилликка интилиши билан фарқ қилади, дейди. Унинг фикрича, инсон комилликка уз меҳнати, фаолиятига яраша эриша олади. Олим қарашларида севги бутун борлиқни харакатга келтирувчи куч хисобланади. Кишининг ўз касбига, яқинларига, она ватанига муҳаббати ҳақиқий ишқ йўлидаги босқичларидандир.” [2]

Жалолиддин Румий ишқ-муҳаббат ва севгини, заррин нурини таратиб турган қуёшга ўхшатади. Лекин ўз-ўзига бино қўйишни ўзини зинданга ташлаш, деб билади. Буюк олим инсонга, аёл зотига бўлган муҳаббатни қадрлайди. Зеро, инсон ўзига ўхшаган инсонга муҳаббат кувиши билан инсонийлик моҳиятини англаб етади, дейди. Аёл — ҳаёт давомчиси бўлиб, у пайғамбарларни, валийларни, авлиёларни, подшоҳларни, комил инсонларни ва ер юзидағи барча инсонларни дунёга келишига сабабчи зот. Башарият онанинг меҳр нуридан камол топиб, комиллик сари одимлайди.

## ХУЛОСА

“Жалолиддин Румийнинг буюклиги яна шундаки, у исломнинг улуғ шоири ва мутафаккири бўлгани ҳолда барча мазҳаблар ва динлардан юқори кўтарила олди, баний башарни бирлаштирувчи ягона илоҳий ғояларни олға суриб, кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи эътиқод ва иймон, ишқ ва сифиниш, поклик ва тавбадан сўз очди. “Чўллар муҳталиф, аммо мақсад бир, яъни Аллоҳ хузури”, дея Улуғ Тангри ҳақиқати Аллоҳ жами маҳлуқот баробарлигини исботлади. Румий ижоди юксак бадияти билангина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан хам катта таъсир кучига эга. Жалолиддин Румий ўзининг “Маснавийи-Маънавий” асарида қўп ўринларда ҳаётдаги эзгулик билан bogлиқ оддий бир ахлоқий тушунчани ифодалайди. Бу билан Жалолиддин Румий айтмоқчики, инсон абадий яшамайди, ўлим ҳақ, шундай экан, одамларга яхшилик хил, ҳаётда шу қолади. Жалолиддин Румий асарда ахлоқшуносликнинг бу каби тушунча ва меъёрлари талқини асосини, жонли ва гўзал ифодалашга эришган. Унингча, “ҳар бир инсон, у ким бўлмасин, бир кун келиб шундай гўзал ҳаётни, юрагига яқин кишиларни, болаларини ташлаб, у дунёга кетишига мажбурдир. Бинобарин, уи онгли равища чиройли тарқ этиш керак. Ҳаётни, яъни бу гулшани чиройли тарқ этишнинг бирдан бир йўли эса, унингча, одамларга яхшилик қилиш, шу йул билан яхши ном қолдириш, яъни «яхшилик билан от» чиқаришдир.”[3] Шундан келиб чиқиб, Жалолиддин Румий ўз китобхонининг яшаш моҳиятини фалсафий жиҳатдан чукур идрок этишга, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри тушуниб, шунга қараб яшашга даъват этади. Шу билан бирга Мавлоно ўзиниг манбааларининг тавсифларида, меъёрлари талкини оят ва ҳадислар билан, яъни маълум бир мақсад билан ифодалайди,

булар хаммаси у кўтарган аҳлоқий муаммоларнинг ўта долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, асарни жуда таъсирли бўлишини таъмин этган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Шавкат Мирзиёевнинг Америка Кўшма Штатларига ташрифи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутки .2017. 4-бет
2. “Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги” муносабати билан методик-библиографик қўлланма. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент — 2007.65-бет
3. Жалолиддин Румий. “Маснавийи-Маънавий” китоби. “Ҳидоят” журнали тахририяти. Тошкент-2005.18-6.